
Аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди

Сўнги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Қува туманидаги Қақир маҳалла фуқаролар йиғинида туман аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир давомида 350 нафардан ортиқ фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқ давомида аҳолига фтизиатр, кардиолог, психиатр, кожвенереролог, ЛОР, терапевт, педиатр каби малакали мутахассислар томонидан ташхислар қўйилиб сатационар ҳамда амбулатор шароитларда муолажалар тавсия этилди.

Тиббий кўриқ жараёнларига ЭКГ, УЗИ ва лаборатория шифокорлари ҳам жалб этилди

2024-09-28 09:45:23